

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида

УМУМИЙ ҲИСОБОТ

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастурида кўрсатилган ишларнинг бажарилаётганлиги тўғрисида умумий ахборот

2024 йил 29 март Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг 40402921-сонли кўрсатма хатига асосан ҳудудий бошкарма ва унинг туман (*шаҳар*) бўлимларида (*1 ой давомида*) Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш юзасидан тасдикланган режа график асосида профилактик тадбирлар амалга оширилди.

Коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва тартиб-таомиллар

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 2021-йил 16-августдаги “Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни самарали ташкил этишга доир кўшимча чора-тадбирларни белгилаш тўғрисида”ги 98-сонли буйруғи билан соҳада Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича масъул ходимлар тайинланди.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг 2021-йил 17-сентябрдаги “Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 118-сонли буйруғи билан Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ташкил этилган.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати “Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида”ги 2022-йил 12-апрелдаги 29-сонли буйруғи қабул қилинган ҳолда, Коррупцияга қарши курашиш борасида 11 та ички идоравий хужжатлар ҳалкаро стандартларга мос равишида ишлаб чикилди ва Санэпидкўм тизими фаолиятига татбиқ этилди.

Хавф-хатарларни баҳолаш

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасида Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ишлаб чиқилди ҳамда Коррупциявий хавф-хатарга мойил соҳалар даражасига қараб юкори, ўрта, паст тоифаларга ажратилди.

Ташкилот раҳбари 2024 йил 20 май Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, унинг таркибий ва ҳудудий тузилмаларида Коррупцияга қарши курашиш дастури имзоланиб ижрога қаратилди.

Шунингдек; Жорий йилнинг 5-март санасида Ўзбекистон Республикаси Хукукни муҳофаза қилиш академияси билан ҳамкорликда “Коррупцияга қарши курашиш ва манбаатлар тўқнашувини бартараф этиш масалалари” мавзусидаги маҳсус ўқув курсига рўйхатдан ўтиш тартиб қоидаларига бағишлиланган онлайн ўқув-семинари ташкил этилмомавзусида ташкил этилган маҳсус ўқув-курсида Коррупциявий хавфи юкори бўлган Санэпидкўм марказий аппарати ходимлари ўз билим ва кўнималарини оширидилар.

Амалга ошириладиган Коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар

Манбаатлар тўқнашувини тартибга солиш соҳасида Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасида иш фаолиятини олиб бораётган ходимларнинг барчаси манбаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида деклоратсия тўлдирилиши таъминланди. Манбаатлар тўқнашуви тўғрисидаги деклоратсияни тўлдириш якунларига кўра манбаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланмади.

Коррупцияга қарши қоидаларни Ташкилот шартномаларига киритиш

Ходим ўз хизмат вазифаларини бажараётганда Коррупциявий ҳатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, шу жумладан ғайриконуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда ғайриконуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўринишидаги конун

бузилиш ҳолатларини содир этмаслик юзасидан ма;лумотлар меҳнат шартномаларига киритилди.

Таълим ва коммуникация

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ва унинг таркибида кирувчи Республика муассасалари, ҳудудий бошқармалари ва туман (шахар) бўлимлари ходимларини коррупцияга карши курашиш мавзусидаги ўкув курсларида онлайн тарзда таълим олишларини ташкил этиш ҳақидаги масала кўриб чиқилиб, қўйидагилар маълум қилинади. Қўмита ва унинг таркибида кирувчи муассасалар ходимлари жорий йилнинг 11 март кунидан бошлаб масофавий шаклда иш жойидан ажралмаган ҳолда қисқа муддатли ўкув курсида ўз малакаларини ошириши мумкин. Масофавий курсга ёзилиш учун ходимлар Академиянинг эду.проасадем.уз веб-сайтида рўйхатдан ўтган ҳолда давлат органлари ва ташкилотлари хизматчилари учун мўлжалланган “Коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш масалалари” мавзусидаги 12 соатлик ўкув модулига ёзилиши ва иштироки таъминланди.

Коррупциявий хатти-харакатлар ва ҳўқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарлар

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасида ташкил этилган аълоқа каналлари орқали Коррупцион ҳолатлар юзасидан мурожаатлар келиб тушмаган.

Хуносалар

Ташкилот тизимида ҳудудий ва таркибий бўлинмалари кесимида Коррупцияга қарши чораларни амалга оширишнинг асосий натижалари коникарли даражада эмас. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати умумий тизимдаги штат бирликлари хисобига олинганда икки нафар масъул ходимнинг имконият салоҳияти етмайди. Лекин аввалги даврлардаги кўрсаткичлар билан таккосланганда Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш соҳасида, ходимларнинг ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган маҳсус-ўкув курсларининг ташкил этишда, ўрганишлар ўtkазилишида амалий ва ижобий натижаларга эришилди.

Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси

1. Санэпидқўмнинг таркибида кирувчи муассасалар хамда ҳудудий бошқармаларида Коррупцияга қарши ички назорат тузилмлари алоҳида ташкил этилишини якунлаш.
2. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмлари масъул ходимларининг ойлик иш ҳақларини ошириш.
3. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмлари масъул ходимларининг билим ва қўникмаларини хамда иш тажрибасини янада таомиллаштириш бўйича семинар-тренинглар сонини янада кўпайтириш.

**Коррупцияга қарши курашиш
бўлими бошлиғи**

Э.Данаев

